



**Кредитнинг тўлиқ
қиймати
24 %
(йигирма тўрт)**



**Товарлар (хизматлар, ишлар) сотиб олиш учун истеъмол кредити бериш тўғрисидаги _____ /
_____ / 2022 сонли КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ**

_____.2022 / _____

“Ипотека-банк” акциядорлик тијорат ипотека банки, бундан буён шартнома матнида “Банк” деб юритилувчи номидан Низом ва Махсус ишончномага асосан ҳаракат қилувчи Банкнинг _____ филиали раҳбари _____ бир томондан ва кейинги ўринларда “Қарз оловчи” деб юритилувчи фуқаро _____ (паспорт маълумотлари: _____, _____.20____ йилда _____ томонидан берилган) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар ушбу шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1 Банк Қарз оловчига **Маиший ва бошқа техникалари сотиб олиш** ушбу Шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда кредит маблағларини ажратиш, Қарз оловчи эса олинган кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитдан фойдаланганлик учун қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини мазкур Шартномада белгиланган муддатларда ва шартлар асосида тўлаган ҳолда қайтариш мажбуриятини олади.

II. КРЕДИТ МИҚДОРИ ВА КРЕДИТНИ АЖРАТИШ ШАРТЛАРИ

- 2.1 Кредитнинг умумий суммаси _____ (_____) сўмни ташкил этади.
- 2.2 Кредит бериш учун Қарз оловчига алоҳида ссуда ҳисобварағи очилади. Қарз оловчининг ёзма топшириқномаси (аризаси) ва кредит бўлимининг фармойишга асосан ссуда ҳисобварағидан кредит маблағлари нақдсиз шаклда ўтказилади. Қарз оловчининг ёзма топшириқномаси (аризаси), ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календарь кунидан ошмаган муддатда тақдим этилиши лозим (кредитни ўзлаштириш муддати).
- 2.3 Ушбу Шартноманинг 2.1- бандида кўрсатилган кредит суммаси Қарз оловчининг ёзма топшириқномаси (аризаси) асосида товарлар сотувчисининг тегишли ҳисобварағига кредитлаш обеъктини шартномага асосан тўловларни нақдсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.4 Кредит имтиёзиз давр билан: _ ой муддатга берилади.
- 2.5 Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўлови йиллик 24 % ни ташкил этади.
- 2.6 Кредит бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни мазкур Шартноманинг 2.5- бандида белгиланган фоиз ставкасида ва кредит берилган санадан бошлаб Қарз оловчининг ссуда ҳисобварағидаги кредит суммаси колдигига нисбатан ҳисоблаб борилади.
- 2.7 Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган хизматлар киймати _____ сўмни ташкил этади.

III. ҚАРЗ ОЛОВЧИННИНГ ТАСДИҚНОМАСИ

- 3.1 Қарз оловчи ушбу билан қуидагиларни маълум қиласида ва тасдиқлади:
- агар Қарз оловчи тўловларни амалга оширишга ёки ушбу Шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса, шу жумладан, берилган кредитга белгиланган тартибда ва миқдорда таъминот тақдим қиласа, Банк кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва кредитга ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга, Банк кредитни қайтарилишини таъминлаш мақсадида Қарз оловчининг банкларда очилган барча турдаги ҳисобварақларидаги пул маблағларидан, шу жумладан, унинг депозит ва пластик ҳисобварақларидаги пул маблағларидан, бошқа турдаги мол- мулкларига ундирувни қаратган ҳолда қарздорликни сўндиришга ҳақлидир;
- Банкка тақдим этилган (етиладиган) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун хужжатлар ва маълумотлар бундай хужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли

хисобланади;

- кредит қарздорлиги ушбу Шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда тўланмаган тақдирда, ундирувни кредит таъминоти сифатида қабул қилинган ҳар қандай турдаги молмулкларга уларни Банк билан келишилган нархларда реализация қилиб каратиш орқали қарздорлик қопланишига қаршилик билдирийди;
- Қарз олувчи ўзи ҳақидаги ва унга Банк томонидан ажратилаётган кредит тўғрисидаги маълумотларни “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаментига” (КАДР), “Кредит ахборотлари тахлил маркази” Кредит бюроси МЧЖГа (КАТМ) ҳамда гаровга тақдим этилган объектлар тўғрисидаги маълумотларни “Гаров реестри” ДУГа тақдим этилишига розилик билдиради.

IV. КРЕДИТНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

- 4.1 Қарз олувчи ушбу шартноманинг ажралмас қисми хисобланган иловадаги тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик тўловларни босқичма- босқич ўз санаси ва суммаси доирасида амалга ошириш йўли билан тўлаб боради.
- 4.2 Қарз олувчи томонидан кредитни тўлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:
 - иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, гонорарлар, дивиденdlар, фоизлар ва қимматли қоғозлар бўйича олинадиган бошқа даромадлар ҳисобига накд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан;
 - накд пулларни Банк кассалари орқали тўлаган ҳолда;
 - омонат ҳисобваракларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;
 - банк пластик карточкаларидан маблағлар ўтказиш йўли билан;
 - бошқа қонунчиликда назарда тутилган тўлов шакллари билан.
- 4.3 Қарз олувчи томонидан тўланган тўловлар қуйидаги тартибда микроқарз қарздорлигини қоплашга йўналтирилади:
 - а) микроқарз шартномасига асосан хисобланган неустойкалар
 - б) микроқарз бўйича тўлов муддати ўтган фоизлар;
 - в) кредит (микроқарз) бўйича тўлов муддати ўтган қарзлар;
 - г) муддатли фоизлар;
 - д) кредит бўйича муддатли қарзлар.
- 4.4 Кредит қарздорлиги суд тартибда ундирилган тақдирда, тегишли суднинг қарори билан белгилаб берилган Банк чиқимлари (суд харажатлари ва бошқалар) ўрнатилган тартиб ва миқдорларда Қарз олувчидан мазкур Шартноманинг 4.4-бандида белгиланган кетма-кетликнинг биринчи навбатида ундирилади.
- 4.5 Кредит бўйича тўловларни (асосий қарз ва фоиз) шартноманинг 1- иловасига асосан тўлаб борилади.

V. КРЕДИТ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

- 5.1 Ушбу шартнома бўйича берилган истеъмол кредити: _____ (_____) минг сўм миқдорида фуқаро _____ нинг (_____ томонидан берилган) кафиллиги билан таъминланади.
- 5.2 Банк Қарз олувчидан кредит қайтарилишининг қўшимча таъминотини талаб қилиш хуқуқига эга.
- 5.3 Қарз олувчи кредитни таъминлашни кредит суммасининг камида 125 фоизи даражасида тутиш мажбуриятини олади.
- 5.4 Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар (битим, шартномалар) ушбу шартнома билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади ва мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи томонидан олинган мажбуриятлар бажарилишини таъминлашга хизмат қиласи.
- 5.5 Кредитнинг қайтарувчанигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур
-

даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи ўз зиммасига олади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- **6.1 Банкнинг ҳуқуқлари:**
 - 6.1.1 Қарз олувчининг молиявий ҳолатини, гаровга қўйилган мол-мулкнинг техник ҳолатини назорат қилиб туриш;
 - 6.1.2 Қарз олувчидан мажбуриятларни бажаришда назоратни амалга ошириш учун керакли ҳужжатларни сўраб олиш;
 - 6.1.3 Қарз олувчи томонидан мазкур Шартноманинг 7-бўлимида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра қўйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши мумкин:
 - Қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги ва уни бартараф этиш учун муддатни белгилаган ҳолда ёзма билдиришнома (эътиroz хати) юбориш;
 - Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда унинг банқдаги барча ҳисобварақларидан (депозит, пластик ва ҳ.к.) маблағларни Қарз олувчининг розилигини олмаган ҳолда ечиб олиш;
 - кредит қайтариш жадвалида белгиланган тўловлар кечикирилган ёки тўланмаган тақдирда, Карздорнинг иш жойига кредит тўловларини ойлик иш ҳақидан тўлаб бориш юзасидан мурожаат қилиш;
 - ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишида таъминланишини талаб қилиш;
 - Қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини ушбу Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришини талаб қилиш;
 - кредит бўйича барча қарздорликларни кредит таъминоти юзасидан тузилган шартномаларда (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) белгиланган тартибда таъминотга қаратган ҳолда ундириш.
 - 6.1.4. Қарз олувчи ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб истеъмол кредитини бир ой муддатда ўзлаштирмаган тақдирда, шбу Шартномани бир томонлама тартибда Қарз олувчини ёзма равишида хабардор қилган ҳолда бекор қилиш;
 - 6.1.5. Банк томонидан ўрнатилган тартибга мувофиқ, қўшимча харажатлар талаф қилинадиган, Қарз олувчининг қўшимча топшириқларини, у томонидан қўшимча харажатлар тўланмагунга қадар бажармаслик
 - 6.1.6 Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукукларга ҳам эга.
 - 6.1.7. Банк ушбу Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек кредитни қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларидан Қарз олувчининг розилигисиз бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга ҳақли. Қарз олувчи Банкнинг розилигисиз ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказишга ҳақли эмас.
 - 6.1.8. Банк ажратилган кредитнинг муддати келган қисмини, шу жумладан фоиз ва неустойкаларни Қарз олувчининг банкларда очилган пластик карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олади.
 - Бундай банк операцияси Қарз олувчини олдиндан огохлантиришсиз, тўлов муддати келган санада ва ундан кейинги ҳар қандай санада амалга оширилиши мумкин ҳамда амалга оширилган бу турдаги банк операцияси ҳақида Қарз олувчи алоҳида хабарнома юборилмайди.
- **6.2. Банкнинг мажбуриятлари:**
 - 6.2.1. Истеъмол кредити бериш учун Қарз олувчи томонидан барча зарур шартлар бажарилгач, кредит маблағларини Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси)га асосан товарлар (хизматлар, ишлар) сотувчисининг ҳисобварағига белгиланган тартибда ўтказиб бериш;
 - 6.2.2. Қарз олувчини кредит учун тўловларни оширилиши ёки камайтирилиши сабаблари, кредитни беришни рад этиш, кредитни муддатидан олдин ундириш ва ундирувни кредит таъминотига қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма равишида хабардор қилиш.
- **6.3 Қарз олувчининг ҳуқуқлари:**
 - 6.3.1. Ушбу Шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган давр мобайнида ва мазкур Шартномада кўрсатилган сумма ва мақсадлар доирасида ссуда ҳисобварағидан тўловни амалга ошириш бўйича ариза бериш;
 - 6.3.2 Мазкур Шартнома шартларига амал қилган ҳолда қарздорликни муддатидан олдин сўндириш;

- 6.3.3 Ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажарган ҳолда мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.
- **6.4 Қарз оловчининг мажбуриятлари:**
- 6.4.1. Кредитдан фойдаланиш жараёнида олинган истеъмол кредитини ва у бўйича ҳисобланган фоизларни ушбу Шартнома шартларига ҳамда тўлов жадвалига мувофиқ муддатида тўлаб бориш;
- 6.4.2. Кдедитлашнинг мақсадлилик, таъминланганлик, муддатлилик, кайтариувчанлик ва тўланувчанлик тамойиллариға қатъий амал килиш;
- 6.4.3. Банк сўровига биноан Банк вакиллариға кредит таъминотига олинган мол-мулқ, кредитга тааллуқли бўлган бошқа мол-мулкларни кўздан кечириш ва ушбу Шартнома бўйича Қарз оловчининг мажбуриятларини бажарилишига тааллуқли бўлган ҳар қандай турдаги бошқа мол-мулкларни бориб кўриш имкониятларини яратиб бериш ва ушбу жараёнларга тўсқинлик қилмаслик;
- 6.4.4. Банк талабига биноан ушбу Шартнома амал қиласидан бутун давр мобайнида, Банкни кониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича Қарз оловчи, кафилнинг даромадлари тўғрисидаги ахборотни ва ушбу истеъмол кредитига тегишли бўлган бошқа маълумот ва хужжатларни Банкка тақдим этиш;
- 6.4.5. Яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида Банкни 5 (беш) банк куни мобайнида хабардор қилиш;
- 6.4.6. Ушбу Шартнома амал қиласидан муддат мобайнида Қарз оловчи Банкнинг олдиндан розилигисиз ушбу Шартномага ёки унинг шартларига зид бўлган бошқа турдаги битимларни, гаровдаги мол-мулкларни бегоналаштириш ва учинчи шахслар тасарруфига ўтказиш билан боғлик хужжатларни расмийлаштираслик ва учинчи шахсларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслик;
- 6.4.7. Қарз оловчининг учинчи шахслар олдидағи бошқа мажбуриятларидан олдин, ушбу Шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни биринчи навбатда бажариш;
- 6.4.8. Мажбуриятларни бажариш таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни ўз ҳисобидан кредит муддатига мос муддатга суғурталаш (пул маблағлари гаровидан ташқари).

VII. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ

- 7.1 Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталгани Қарз оловчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари ҳисобланади:
- кредит ресурсларидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик;
- Қарз оловчи кредит, фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича ушбу Шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек, тузилиши ушбу Шартномада белгиланган бошқа шартномалар бўйича белгиланган санада тўловларнинг амалга оширилмаганлиги;
- кредитлаш обьектини сотувчи/етказувчи/бажарувчидан олинганлигини тасдиқловчи хужжатларнинг Банкка тақдим этилмаганлиги;
- Банкни атайлаб ҳақконий бўлмаган хужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиши;
- Банкни талаби бўйича кредит ҳисобига сотиб олинган товарлар/хизматлар/ишларни кўздан кечириш талабларини бажармаслик;
- Қарз оловчи томонидан кредит таъминоти бўйича Банкка берилган исталган таъминот турининг қисман ёки тўлиқ ўз қийматини йўқотганлиги ёки уларга бўлган мулк хукуқининг ҳақиқий эмас деб топилганлиги;
- Қарз оловчи ва/ёки кафилнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашганлиги ёки ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ маълумотларнинг яширилганлиги;
- Кредит таъминоти сифатида Банкка гаровга тақдим қилинган ҳар қандай турдаги мол-мулкларни бегоналаштириш ҳамда учинчи шахсларнинг тасарруфига бериш;
- ушбу Шартнома шартлари ва унда назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги;
- мазкур Шартнома билан боғлик бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) бузилиши.

VIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

- 8.1 Банк ўз хоҳишига кўра ушбу Шартнома бўйича ўзида Қарз оловчига нисбатан мавжуд бўлган хукуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлламаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу

хукуқларни қўлламаслик ёхуд қисман қўллаш ушбу хукуқлардан воз кечилишини билдирмайди ва улар келгусида исталган вактда қўлланилиши мумкин.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 9.1 Томонларнинг ушбу Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши мазкур шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.
- 9.2 Асосий қарзни кайтариш муддати кечикирилганда (муддати ўтган кредитга), Қарз оловучи Банкка бутун кечикирилган давр учун ушбу Шартномада белгиланган фоизнинг 1,5 баравари миқдорида фоиз тўлайди.
- 9.3 Фоизларни белгиланган муддатларда тўламаганлиги учун Қарз оловучи Банкка кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 9.4 Қарз оловучи кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланса, Банкка максадсиз фойдаланган кредит суммасининг 20% миқдорида жарима тўлайди.
- 9.5 Қарз оловучи томонидан ушбу Шартноманинг 2.2 ва 2.3-бандларида кўрсатилган шартлар бажарилиб, Банк кредитни ўз вактида ажратмаган ҳолатда, Банк Қарз оловчига муддатида ўтказиб берилмаган кредит суммасининг кечикирилган ҳар бир куни учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддатида ўтказиб берилмаган кредит суммасининг 20 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.
- 9.6 Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида неустойкаларнинг идирилиши (тўланиши) Томонларни ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қиласиди.

X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 10.1 Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулоддаги ҳодисалар натижасида вужудга келган, енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари ҳисобланса, жавобгарлиқдан озод этилади, хусусан: ёнгин, табиий офат ва ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи, томонларга тааллуқли бўлмаган бошқа ҳодисалар киради.
- 10.2 Шартноманинг 10.1-бандида кўрсатилган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига тушган томон бошқа томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда 2 кун ичида хабардор қилиши ва тугаганлиги тўғрисида ҳам иккинчи томонни маълум қилиши шарт.
- 10.3 Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари содир бўлган тақдирда, шартноманинг амал қилиш муддати шундай ҳолатлар ва унинг оқибатлари бутун даврига тенг муддатга узайтирилади.

XI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 11.1 Томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва/ёки ушбу Шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар юзага келган, шунингдек Шартноманинг 6 ва 7-бўлимларида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келган тақдирда, Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда барча келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал этадилар.
- 11.2 Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Банкнинг ушбу шартнома асосида кредит ажратган филиали жойлашган ҳудуддаги судга мурожаат қилиш орқали ҳал этилади (Шартнома бўйича судловга тегишлилик).
- 11.3 Банк кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаганлиги ҳамда ушбу шартноманинг 8-бўлимида назарда тутилган мажбуриятларни бажармасликҳолатлари юзага келганлиги натижасида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал қилишнинг қуйидаги усулларидан фойдаланиши мумкин:
- Қарз оловучи (кафил)ни кредит тўловларини амалга ошириши тўғрисида оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантириш;
- кредит маблағларини қайтариш манбааси сифатида кайд этилган иш ҳақи ҳисобидан қарздорликни ёпиб бориш мақсадида, қарздорнинг иш жойига мурожаат қилиш; Қарз оловчининг банқдаги барча ҳисобваракларидан (депозит, пластик ва х.к.) маблағларни унинг розилигини олмаган ҳолда ечиб олиш.
- 11.4 Банкнинг ушбу Шартноманинг 11.3-бандида кўрсатилган усуллардан фойдаланмаслиги уни

судга мурожаат қилиш хуқуқидан маҳрум қилмайди.

XII. БОШҚА ШАРТЛАР

- 12.1 Ушбу Шартнома Қарз олувчининг учинчи шахслар билан тузган ҳар қандай турдаги шартномалари (битимлари)дан юридик жиҳатдан мустақил бўлиб, Қарз олувчи учинчи шахслар билан тузган шартномалари (битимлари) қоидаларига асосланиб Банкка эътиroz билдиримайди.
- 12.2 Ҳар бир томон ушбу Шартнома предмети ва шартларига боғлиқ маълумотларнинг маҳфийлигини сақлайдилар. Ушбу маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра тегишли органларга берилиши бундан мустасно.
- 12.3 Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қиласди.
- 12.4 Мазкур Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишувига Ушбу Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда, имзолаган қўшимча келишувлар тарзида расмийлаштирилади. Мазкур Шартнома ва қўшимча келишувлар шартлари бир-бирига зид бўлган тақдирда, қўшимча келишув шартлари амал қиласди. йўналиши ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.
- 12.5 Ушбу Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда, имзолаган қўшимча келишувлар тарзида расмийлаштирилади. Мазкур Шартнома ва қўшимча келишувлар шартлари бир-бирига зид бўлган тақдирда, қўшимча келишув шартлари амал қиласди.
- 12.6 Мазкур Шартнома ўзбек тилида томонлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилган.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Банк:

Манзил:

x/р:

ИНН:

телефон (факс): МФО:

Банк хизматлари маркази раҳбари: _____

Қарз олувчи:

Паспорт маълумотлари:

Манзил:

телефон:

Ушбу шартномани ўқиб чиқдим, ушбу шартноманинг сўзлари, бўлимлари ва бандларининг маъноси, мазмуни ва аҳамияти менга тушунарли, шу муносабат билан ушбу шартномани имзолайман ва унинг шартларини ва унда ўзимга юклатилган мажбуриятларни сўзсиз ижро этиш учун қабул қиласман.

(Қарз олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади) (имзо)